

Иловадаги жами ҳисобланган солиқлар ҳисоб-китоби “E-ijara” АТнинг “Даромад солиғи ҳисоботи маълумотлари” бўлимида ҳар бир шартнома кесимида шаклланади.

Т/р	Шартнома ID рақами	Йил	Ой	Ижарага берувчи ЖШШИРИ	Ижарага олувчи СТИРИ	Ой номи	Шартнома бўйича ҳисобланган ижара ҳақи	Солиқ ставкаси	Шартномада бўйича ҳисобланган ижара ҳақи	Ижарага берилган майдон (қв.м)	Объект тури (1-турар, 2-нотурар)	Энг кам миқдори (қв.м учун)	Ижаранинг энг кам миқдори
1	3073719	2026	1	31709851310028	200523221	Январ	500 000	12	60 000	57	1	7 080	403 560

2. Илованинг **020-сатрида** фақат транспорт воситалари ижараси учун татбиқ этиладиган ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари шакллантирилади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги ЎРҚ-1105-сонли Қонунига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан ижара тўловининг энг кам ставкаларига ҳар бир туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиши даражасига қараб оширувчи коэффициентлар қўлланилган.

Турар ва нотурар мол-мулклар учун белгиланган ҳар бир ҳудуд бўйича ижара тўловининг энг кам миқдорлари бир нечта бўлганлиги сабабли 020-сатрда ушбу миқдорларнинг барчасини акс эттириш имконияти мавжуд эмас.

3. Илованинг **030-сатри** жорий ойда ижара учун белгиланган ижаранинг энг кам меъёридан келиб чиқиб “E-ijara” АТдан рўйхатдан ўтказилган ижаранинг энг кам меъёри суммасининг йиғиндисидан шакллантирилади (“ЭКМ бўйича даромад солиғи” жадвалининг “ижаранинг энг кам миқдори” устуни).

4. Илованинг **040-сатри** (Ижара шартномасига асосан ҳар ойлик ижара тўлови) солиқ агентлари билан жисмоний шахс ўртасида тузилган ижара шартномаларида кўзда тутилган ойлик ижара суммаларининг йиғиндисидан шаклланади (“E-ijara” АТда “ЭКМ бўйича даромад солиғи” жадвалининг “шартнома бўйича ҳисобланган ижара ҳақи” устуни).

5. Илованинг **050-сатри** (Ҳисобот оyi учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг қўшимча ҳисобланган ҳисобланган суммаси) ижара тўловининг энг кам миқдорини ижара ҳақидан ошган қисмидаги фарқдан ҳисобланган даромад

солиғи автоматик равишда шаклланади (*“E-ijara” АТда “ЭКМ бўйича даромад солиғи” жадвалининг “Қўшимча ҳисобланган даромад солиғи” устуни*).

6. Илованинг **060-сатрида** аввалги ҳисобот даври учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қўшимча ҳисобланган суммаси акс эттирилади.

7. Илованинг **070-сатрида** ҳисобот даври учун қўшимча ҳисобланган даромад солиғи суммаси шаклланади.

8. Илованинг **071-сатрида** ўсиб борувчи тартибда мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси шаклланади. (*“E-ijara” АТда “Шартнома бўйича даромад солиғи” жадвалининг “Шартнома бўйича ҳисобланган ижара ҳақиға ҳисобланган даромад солиғи” устуни*).

9. Илованинг 070 - 071сатрлари йиғиндиси солиқ тўловчининг шахсий карточкасида ҳар бир туман кесимида ўсиб борувчи тартибда (**186-код**) алоҳида акс эттирилади.

Солиқ органи томонидан ҳисоботни проактив тарзда шакллантириш

Солиқ ҳисоботи солиқ органларида мавжуд маълумотлари асосида автоматик шакллантирилади ва солиқ тўловчи томонидан 5 кун ичида (*ҳисоботни тақдим этиши муддатидан кечиктирмай*) тузатишлар киритилган ҳолда тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботига тузатишлар киритилмаганлиги солиқ тўловчининг солиқ органлари томонидан шакллантирилган ҳисоботга рози эканлигини билдиради ва ҳисобот тақдим этилган деб ҳисобланади.